Ушбу сонда:

ЗЎРАКИ ТОРТИШУВ 2

ЖАВОБГАРЛИК АНИҚ БЎЛСИН! 3

ТЎСҚИНЛИК ҚАЧОН ТУГАЙДИ? 3

ИНСОН ҚАДРИ АЗИЗ 4

**MEZON:**

***Давлат органларида фуқароларнинг мурожаатлари бўйича иш юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб борилади.***

**9- модда.**

***Фуқароларнинг мурожаатлари албатта қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак, ушбу Қонун 6-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.***

***Фуқаро унинг мурожаатини қабул қилиш ва кўриб чиқиш асоссиз равишда рад этилганлиги устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят беришга ҳақли.***

**12-модда.**

**"ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНДАН**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 46 (352)
2003 йил 25 ноябр сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Istiqlol va imkoniyat

## ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ТАНТАНАСИ

***Халқимизнинг мустабид тузум ҳукмронлик қилган собиқ иттифоқ даврида диний эътиқоди топталди ва таъқиқланди. Кўп минг йиллик қадриятлар унутилди, урф-одатлар оёқ ости қилинди.***

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, динга муносабат тубдан ўзгарди. Эндиликда динга янгича қараш асосида ёндашилмоқда. Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги, дин, диний ташкилотлар ва диндорларга нисбатан давлат сиёсатида туб ўзгаришлар содир бўлди.

**"Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларини мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди"**, дейилади мамлакатимиз Конституциясининг 31-моддасида.

61-моддада эса **"Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди"** дейилган. Бу ҳуқуқлар **"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"**ги Қонунда янада кафолатланган.

Ушбу қонуннинг 5-моддаси мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг деярли барча соҳаларидаги динга муносабатини ёритиб беради. Унга мувофиқ, дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларга нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқароларга, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ҳамда ҳурмат юзага келишига кўмаклашади, диндорларнинг мутаассибликка, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасидаги адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди.

Мамлакатимизда диний йўналишдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек, хорижда тузилган диний партияларнинг шўъбалари ва бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва конституцияга қарши тарғибот олиб боришда душманлик, нафрат, миллатлар ўртасида адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузиш, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатиш, аҳоли ўртасида низо чиқариш ҳамда давлат, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар ва секталарнинг фаолияти ҳам ман этилади.

Ўзбекистонда диний таълим тизимига муносабати ҳам умумжаҳон тараққиёти тақозо этган, ўзини тарихан оқлаган тамойилларга асосланган. **"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"**ги Қонунда мактаб диндан ва диний ташкилотлардан ажратилгандир, дейилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди, яъни мамлакатимиз фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи, уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар, таъминланишини билдиради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, болалар мактаб ёшига етгач, диний таълим олишлари мумкин. Бунда ҳам ўқувчилар мактабдаги машғулотлардан кейин, ота-оналар розилиги билан диний мактабларда ўқишлари мумкин. Баён этилган тартибларни бузганлар қонунга биноан жавобгарликка тортилади.

Қонундаги яна бир муҳим талаб диний партияларнинг тузилишига йўл қўймаслик ҳақидаги қоидадир. Бу қоида Бош қомусимиз бўлган Конституцияда ҳам ўз ифодасини топган. Конституциянинг 57-моддасида "диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолият кўрсатиши таъқиқланади" дейилган.

Хулоса ўрнида айтсак, мамлакатимизда дин тараққиёти учун барча шарт-шароитлар яратилган ва диний эътиқод қонун йўли билан кафолатланган. Ҳозирда дин халқимизнинг маънавий покланишига, асрлар давомида орзу қилган мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқда.

**Мавлуда БЎРИЕВА,**
**Аҳмаджон ЧОРИЕВ**



Izhor

## ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК РАМЗИ

Мамлакатимизда диний эътиқод эркинлигига кенг йўл очиб берилгани боис рамазон ҳайити ҳар йили хотиржамлик ва кўтаринки руҳда байрам қилинмоқда. Шу куни қариндош-уруғ, ёру-биродарлар яна бир марта дийдор кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашадилар, етим ва муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатадилар. Собиқ шўролар замонида ҳайит у ёқда турсин, ҳатто рамазон ҳақида гапирганлар ҳам турли уқубатларга гирифтор бўлишарди. Ўз кўзимиз билан кўрган ўша мудҳиш кунларнинг ҳеч қачон қайтиб келмаслигига ишонч биз, кексалар дилида шукроналик туйғуларини уйғотади.

Дунёнинг айрим жойларида зиддиятли воқеалар туфайли вайронагарчиликлар, хунрезлик ва қонтўкилишлар содир бўлиб турган бир вақтда юртимизда текис ва равон йўллар, кўприклар, турар-жойлар қурилаётгани, бир сўз билан айтганда, бунёдкорлик ишлари жадал давом этаётгани кимнинг ғурурини қўзғамайди, дейсиз. Бир вақтлар ташландиқ бўлиб ётган улуғ аждодларимизнинг қадамжоларини обод қилиш борасида Юртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган эзгу ва савоб ишлар ҳар қанча таърифу таҳсинга лойиқ. Бу кенг қамровли ишлар фақат бирор санага бағишлаб эмас, доимий равишда амалга оширилаётгани билан янада эътиборга сазовордир.

Яқинда бир гуруҳ қариялар билан Бухорои шарифга зиёратга борганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик. Ҳожи Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларида қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, янгидан музей, меҳмонхоналар ва бошқа гўзал иншоотлар бунёд этилибди. Шунингдек, Ғиждувон шаҳрида Ҳожи Абдухолиқ Ғиждувонийнинг таваллуд тўйи олдидан бу ерда амалга оширилаётган ишларни кўриб, дилимиз яйради. Булар юртимиздаги тинчлик ва тотувликдан нишонадир.

Шу ўринда кўнглим тубидаги бир гапни айтишим жоиз: Мен мустабид тузум даврида туну кун ишлаганим билан сира ёлчимаган эдим. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, туманда биринчилардан бўлиб фермерлик ҳаракатига қўшилдим. Бунинг натижасида мулкдор бўлдим. Илгари велосипед олиб минишга қийналган бўлсак, энди ўзимда ҳам, болаларимда ҳам автоулов бор. Туриш-турмушимиз ҳеч кимникидан кам эмас. Кампирим билан қарилик гаштини суряпмиз. Бунинг учун беадад шукроналар айтамиз.

Илоҳим, бундан кейин ҳам байрамларимиз тўйларга уланаверсин!

**Эсонбойҳожи КОМИЛОВ,**
**Бўка тумани**

## ШУКРОНАЛИК

***Бу йил ҳайитда бир юзу уч ёшни тўлдириб, бир юзу тўрт ёшга ўтдим. Айни бугунгидай улуғ айём кунларида туғилганим учун ҳам ота-энам исмимни Ҳайитгул қўйишган экан. Очиғи, умрим ҳайитларда ўтди, дея олмайман. Чунки ўтган бир асрдан ошиқроқ умрим давомида амирликни ҳам кўрдим, оқпошшонинг жабру-ситамини ҳам тортдим. Ёшлик куч-қувватимни қизилнинг кетмони олди. Тонг бўзармай раиснинг ҳайқириғидан уйғониб, кеч қоронғида силламиз қуриб уйга қайтардик... Эҳ-ҳей, бошимдаги бу оқ сочлар, юзимдаги минг бир ажиннинг ҳар бири бир тарих. Бугунги улуғ айём кунларда ўтмиш хотираларимни эслаб сизнинг ҳам кўнглингизни хира қилгим йўқ. Фақат баъзи айтмасам, бўлмайдиган гапларимни айтмоқчиман, холос.***

Қизил элга бош бўлиб, қамчисидан қон томган йилларда муқаддас динимизга ҳужум бошланди. Диний хатсаводи бўлган одамлар қатағонга учради. Бирини осдилар, бирини отдилар, бири қамоқда вафот этган бўлса, қай бирлари Сибир қилинди. Бу қизил деган бало шу даражага бордики, ҳатто номоз ўқиб, рўза тутишни ҳам таъқиқлаб қўйди.

Улар аёлларнинг юзидаги рўмол билан бирга уларнинг бор-будини тортиб олганини, "биз сизларга озодлик бердик, энди бунинг ҳаққини ишлаб узасизлар", деб далага ҳайдаганларини айтишга тилим бормайди. Ҳозир бир вақтлар мен бўйнимга бўйинтириқ илиб қўш тортганман десам, кўпчилик ишонмайди. "Қўйсангиз-чи, одам ҳам омоч тортадими? Бўйинтириқни отнинг, ҳўкизнинг, борингки, эшакнинг бўйнига илишади", дейди.

Аслида ҳам кечаги тузум хотин-қизларнинг бўйнига бўйинтириқ илган. Бунга истаганингизча мисол келтириб беришим мумкин. Афсуски, мен тенгиларнинг кўпи қайтмас бўлиб кетди. Улар болаларига, невара-ю чевараларига бошларидан ўтганларини айтиб беролмайдилар. "Ҳой барака топгурлар, бугуннинг қадрига етинглар, кўзларингга суртинглар, дунё-дунё бўлиб юртимиз бундай обод бўлмаган. Ҳеч бир пошшо ўз халқига бугунги раҳбарларингдай одил турмаган", деган гапларни айтолмайди. Бугун бу гапларни айтиш мен учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Ўшанда йигирма саккизга кирган жувон эдим. Ўша йили рўза айни саратон чилласида келган эди. Дала тўла қиз-жувон, пахта даласида ишлаётган эдик. Бир маҳал раис бошчилигида уч-тўрт қизил шапка кийган отлиқлар келиб қолди. Ҳаммаси отнинг устида ғўдайиб турибди. Бир пайт раисимиз "ораларингда рўза тутганлар борми?", деб сўради. Раҳматли мулла Жўра бобо деган оқсоқолимиз бўларди. Етмишларни қоралаб қолган бўлсаям, жуда бақувват, қорувли чол эди. Қарасак, мулла бобо ерга қараб "йўқ денглар", дегандай бош чайқаб турибди. Халқ минг бир балога гирифтор бўлавериб кўзи пишиб қолган. Са-а-ал имодан бир-биримизни тушунамиз. Ҳамма аёл бир бўлиб, "йўқ", дедик. Раисимиз енгил нафас олиб, келувчиларга нимадир деди. Лекин улар қайтиб кетишмади. От устида ниманидир тортишиб-тортишиб бир қарорга келишди, шекилли, раис ҳосилотга бориб сув олиб келишни буюрди. Баримизнинг нафасимиз ичимизга тушиб кетди. Уларнинг мақсади аниқ эди. Ишонасизларми-йўқми, от устида гердайиб ўтирган раисимиз ҳам бир сиқимгина бўлиб қолди. Мулла бобонинг ҳам елкалари чўкиб қолгандай туюлди назаримда. Шу пайт ҳосилот бир кўза сув кўтариб келиб қолди. У аёллар томон юрган эди, мулла бобо имо билан тўхтатди. Мен ҳозир мулла бобо ҳосилотнинг қўлидаги сувни олиб тўкиб ташлайди, деб ўйладим. Йўқ, мулла бобо сувни тўкмади. Аввал ўзи бир қултим ичди, кейин ёнидаги кексароқ аёлга узатди. У киши ҳам бир от устидагиларга қаради, бир мулла бобога қаради-да, сувдан ҳўплади. Хуллас, мулла бобо барча хотин-қизларга бир қултумдан сув ичириб чиқди...

Шундан кейингина отлиқлар жўнаб кетишди. Уларнинг ортидан мулла бобо айтган гаплар худди ҳозиргидек эсимда: "Қизларим,— деди у киши. — Рўзаларинг бузилгани йўқ. Раисни ҳам қарғаманглар. Мендан ҳам кўнгилларинг қолмасин. Фақат бу кунни эсларингдан чиқарманглар. Бу қизил дегичлар кўпнинг қарғишини олаяпти. Улар узоққа бормайди..."

Бир куни неварам келиб, "Момо, биз мустақил бўлдик", деб қолди. Бу хушхабарни эшитиб, кўнглим бир қарич ўсди. Яна бир куни "Момо, ҳажга борасизми? Ҳукуматимиз ҳажга борувчилар учун барча қулайликларни яратиб берган" деди. Ўша куни тонггача етказган кунларига шукр қилиб чиқдим. Раҳматли мулла Жўра бобонинг гапларини эсладим...

Ўзим куч-қувватдан қолганим учун ҳажга боролмадим. Лекин ҳар йили атрофдаги қишлоқлардан кимдир ҳажга бориб келади. Уларни бориб зиёрат қиламан. Ҳар гал халқимизга бу қадар имкониятлар яратиб бераётган ҳукуматимизни дуо қиламан. Бугун — мана шу улуғ айём кунларида ўтмишни бекорга ўйлаётганим йўқ. Бу гапларни ҳам бекорга айтмаяпман. Кўпнинг дуосини олган кўл бўлади, дейди халқимиз. Ота-боболаримиз бир нарсани билмаса гапирмаган. Ҳар куни жойнамоз устида дуо қиламан: Илоё, юртимизга кўз тегмасин! Мустақиллигимиз дунё турганча турсин! Унга ёмон кўз билан қаровчиларнинг косаси оқармасин...

Сиз ҳам қўлингизни дуога очинг. Зеро, рамазон ҳайити кунлари қилинган дуолар албатта, мустажоб бўлгай!

**Ҳайитгул момо ДАМИНОВА,**
**Хатирчи тумани**

Iftixor

Qonun ko`magi

## НОҚОНУНИЙ ЖАРИМА

### У ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗГА САБАБ БЎЛДИ

Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш борасида адлия бошқармаси томонидан киритилаётган тақдимномалар амалиётда яхши самара бермоқда. Чунки улар ёрдамида мутасадди идоралар томонидан тадбиркорнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқлари зудлик билан ортиқча қоғозбозликсиз, қисқа муддатда тикланаётир.

Ангренлик А.Жамолов Тошкент вилояти адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилиб, Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси томонидан 2003 йил 25 июн куни Ангрен шаҳрида жойлашган "АНКОМ+2" ХСИЧФ фирмасига нисбатан 1088000 сўм миқдорида нотўғри молиявий жарима қўлланилганини баён этган.

Шикоят хатини ўрганиш натижасида ҳақиқатдан ҳам вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимлари томонидан шу йилнинг 12 июн куни "АНКОМ+2" ХСИЧФга қарашли АЁҚШда қисқа муддатли текшириш ўтказилганини маълум бўлди. Текшириш натижасида фирмага қарашли назорат-касса машинасини олиб қўйиш тўғрисида далолатнома тузилган. Унда назорат-касса машинасини олиб қўйиш вақтида завод муҳри ва техник хизмат кўрсатувчисининг тамғаси жойидалиги қайд этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, "АНКОМ+2" ХСИЧФ раҳбари А.Жамоловнинг 2003 йил 24 июлдаги мурожаатига Ангрен шаҳар ДСИ томонидан 2003 йил 25 июлдаги 15-21-98 рақам билан берилган жавоб хатида мазкур фирмага тегишли бўлган назорат-касса машинаси шаҳар ДСИсида тамғалагич бўлмагани учун тамғаланмагани билдирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 майдаги **"Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 230-сонли қарори ва Адлия вазирлигидан 2003 йил 28 майда 05-198-рақами билан рўйхатдан ўтган тартибнинг 7-бандига мувофиқ фиксал хотирага хизмат кўрсатиш дастури бузилган ҳолда техник талабларга мувофиқ бўлмаган назорат-касса машиналаридан фойдаланилаётганини тасдиқловчи техник экспертиза хулосаси олинган тақдирда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан Давлат солиқ хизмати идоралари томонидан энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида молиявий санкция қўлланилиши белгиланган.

Буларни таъкидлашдан мақсад шуки, вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан "АНКОМ+2" ХСИЧФ га нисбатан қўлланилган 1.088.000 сўм миқдордаги молиявий жарима ана шу ҳолатларни нотўғри талқин қилиш туфайли юзага келган.

Ўтказилган экспертиза текшируви "АНКОМ+2" ХСИЧФга тегишли бўлган назорат-касса машинасининг дастурлаш микросхемаси ишлаб чиқарувчи заводнинг кўрсаткичларига мос келишини кўрсатди.

Вилоят адлия бошқармаси барча далилларни атрофлича ўрганиб чиқиб, вилоят Давлат солиқ бошқармасига "АНКОМ+2" ХСИЧФга нисбатан қўлланилган молиявий жарималарни бекор қилиш ва келгусида ҳукумат қарорларини амалда тўғри татбиқ қилиниши юзасидан чора-тадбирлар белгилашни сўраб, бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритди. Мазкур тақдимнома қаноатлантирилиб, ДСИнинг молиявий жаримага тортиш ҳақидаги қарори бекор қилинди.

Бир сўз билан айтганда, ўз вақтида кўрилган қонуний чора туфайли тадбиркорнинг ҳақ-ҳуқуқи тикланди.

Бу воқеа биринчидан, тадбиркорларнинг ҳуқуқий билим савиясини ошганини кўрсатса, иккинчи томондан, уларни ҳимоя қилиш юзасидан ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари нечоғли самара берганлигини билдиради.

Хулоса ўрнида айтсак, ваколатли идораларнинг ўз ҳуқуқлари доирасида текшириш ўтказиш ҳаётий зарурат ҳисобланади. Лекин у холислик асосида амалга оширилиши зарур. Ана шунда ҳеч қандай эътирозга ўрин қолмайди.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Ajab savdolar

## МИСИ ЧИҚҚАН ТЕКШИРУВ

***Рисолат опанинг эрталабданоқ кўнглида аллақандай безовталик пайдо бўлди. Ўзича "Нима бўлса ҳам охири бахайр бўлсин-да", деб қўйди. Вақт тушликка етган пайт бозорнинг нариги чеккасига таниш тижоратчи аёлга иш юзасидан учрашиш учун йўл оларкан, дўконни ёпишга эринди, шекилли, қизи Фароғатга тайинлади:***

— Қизим, сен у ёқ-бу ёқни супуриб, тозалаб тур. Мен бир жойга бора-солиб қайтаман.

Рисолат опа дўкондан чиқиши билан Бобур исмли харидор тўсатдан вояга етмаган Фароғатга рўбарў бўлиб, икки килограмм оқ қанд беришини сўради. Дарсдан бўш пайтларида онасига дўкон ишларида ёрдам бериб юрувчи Фароғат Тўраева тезда унинг хоҳишини бажо келтирди. Харидор тезлик билан Фароғатга 1360 сўмни санаб берди. Худди шу пайт савдо дўконига қора папкаларини қистирганича Узун туман ДСИнинг таянч пункти бошлиғи А.Дўсматов, бошлиқ муовини А.Шокиров, шўъба бошлиғи А.Очилдиев, Узун туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бўлими ходими Р.Раҳимовлар бирин-кетин кириб келишди. Уларнинг қўлида туман ДСИнинг 2003 йил 16 майдаги 78х/с-сонли буйруғига асосан бозор ҳудудидан жойлашган "Шуҳрат-I" хусусий кичик корхонасида Вазирлар Маҳкамасининг 280- ва 621-сонли қарорларнинг бажарилиши ҳамда нақд пул маблағларининг банк бўлимига топширилиши юзасидан текширув олиб бориш кўрсатилган эди.

Бобур исмли "ёлланган" харидор берган пул сотувчи бўлмаган Фароғатнинг қўлида қолиб кетди. Текширувчилар зудлик билан холислар топишиб, харид қилинган молга чек берилмагани ва у касса аппаратидан ўтказилмаганлиги қайд қилинган далолатнома тузишди. Рисолат опанинг эрталабдан буён хавотирга тушиши ва шошма-шошарлигининг оқибати балки ана шундан бўлса, ажаб эмас.

Аслида эса бу текширувга олдинда пухта тайёргарлик кўрилган эди.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Газетанинг ўтган сонида ҳуқуқшунос С.Қулмуҳамедованинг "Маънавий зарарнинг миқдорини ким аниқлайди?" сарлавҳали мақоласи чоп этилган эди. Унда муаллиф қонунчиликда маънавий зарарни қоплашга доир меъёрларни янада такомиллаштириш билан боғлиқ бир қатор долзарб масалаларни илгари сурган эди. Биз ушбу масалага доир баҳсни давом эттириб, қуйида профессор Омон Оқюловнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Зеро, ҳақиқат баҳс-мунозарада туғилади.*

Munosabat

# МЕЗОНЛАР БОР, БИРОҚ...

Қонунчиликда содир этилган ҳуқуқбузарликлар, агар жабрланувчига жисмоний оғриқ ва руҳий изтироблар орқали маънавий зиён етказса, ҳуқуқбузар буни пул кўринишида қоплаши лозимлиги белгиланган. Маънавий зарар жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёхуд фуқаролик ҳуқуқбузарлиги туфайли етказилганидан қатъи назар, Фуқаролик кодексининг 1021—1022-моддаларида белгиланган қоидалар асосида қопланади. Албатта, маънавий зарарни пул кўринишидаги миқдорини суд белгилайди. Табиийки, бундай вазиятда суд ўз ҳолича иш тутмайди, балки Фуқаролик кодексининг қайд этилган меъёрлари ва Олий Суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелда қабул қилинган "**Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори** асосида иш кўради.

Шуни айтиш жоизки, Фуқаролик кодексида маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлаш мезонлари аниқ-равшан кўрсатилган.

Шу боис суд биринчи галда эътиборга олиш лозим бўлган ҳолат — бу ҳуқуқбузарнинг айби бор-йўқлигидир. Одатда, маънавий зарар ҳуқуқбузарнинг айби бўлган ҳолатдагина қопланади. Бироқ Фуқаролик кодексининг 1021-модда 2-қисмига кўра, зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлигига ошиқча хавф манбаидан етказилган бўлса; зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш, қамоққа олиш ва шу каби ҳолат натижасида етказилган бўлса; зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи, ерга урувчи, таҳқирловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса, зарар етказувчининг айбидан қатъи назар, тўлиқ қопланади.

Шу ўринда жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, буларга қуйидагилар киради:

а) Зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар (яъни зарар етказиш усули, оқибатлари, ҳуқуқбузарликни содир бўлиш шарт-шароитлари ва шу кабилар);

б) Жабрланувчининг шахсий хусусиятлари (ўзига оғир олгани, азоб-уқубатларини бўрттириб кўрсатиши, жинси, оилавий ҳолати, хизмати, соғлиғи, ёши, жамиятдаги мавқеи ва шу кабилар);

2) Зарар етказувчининг айби даражаси (қасддан, ғараз мақсадларда содир этгани, кўзлаган мақсади ва кўрган манфаати, ўз қилмиши оқибатларини бартараф этишга уриниши ва шу каби ҳолатлар) ҳисобга олинади;

3) Оқилоналик талаблари (яъни ҳуқуқбузар шахснинг мулкий ҳолати, уни маънавий зарарни қоплаш бўйича саъй-ҳаракатлари ва имкониятлари, жабрланувчининг мулкий ҳолати, оладиган товон пулини унинг азоб-уқубатларини бартараф этишга таъсири ва шу кабилар)

4) Адолат талаблари (тўланадиган пул миқдори ва маънавий зарар хусусияти ўртасида мутаносиблик, маънавий зарарни қоплаш орқали бойиш, текин даромад олишга уриниш мақсадларига эришишни олдини олиш, тўланадиган товон ҳуқуқбузарни ҳушёр торттиришга, тарбияланишга, қайта тузалишига хизмат қилиши) ҳам эътиборга олиниши лозим.

Қонуннинг талаблари ана шундан иборат. Бироқ ҳозирда суд амалиётида бу мезонларни қўллаш ва маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлаш бўйича услубиёт мавжуд эмас. Бунда асосий муаммо маънавий зарар етказиладиган ҳар бир ҳуқуқбузарлик туридаги ўзига хослик — жабрланувчининг шахсий хусусиятлари турли хил экани ва уларни умумий жиҳатлари бўйича туркумлашдаги мураккабликлар ҳисобланади. Ҳозирча баъзи МДҲ мамлакатларида судлар учун ушбу масалада услубий қўлланма-жадваллар мавжуд. Бунда ҳуқуқбузарлик турлари бўйича туркумланади. Масалан, ғайриқонуний ишдан бўшатилганда, етиши мумкин бўлган маънавий зиён хусусиятлари ва қўллаш тавсия этиладиган товон пули миқдорларини айтиш жоиз. Ёки муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириш, "плагиатор"лик ҳолатида ҳақиқий муаллифга етказилган маънавий зарар хусусиятлари ва товон пули миқдорлари. Ёхуд номусга тегиш жиноятидан жабрланган аёлнинг чеккан жисмоний ва руҳий азоб-уқубатлари ва товон пули миқдорлари.

Шуни унутмаслик лозимки, булар тавсия хусусиятига эга ва судлар учун фақат ўзига хос мўлжал бўлиб хизмат қилади.

Бу ҳақда фикр юритганда, яна бир жиҳатни унутмаслик лозим. Гап шундаки, Англо-саксон (умумий) ҳуқуқ тизимида маънавий зарарни ундиришда асосий мезон зарар етказувчининг мулкий ҳолати ҳисобланади. Агар у ўта бой бўлса, у тўлайдиган товон пули ҳам шу қадар катта ҳажмда белгиланади. Масалан, ресторан хизматчиси томонидан мижознинг кўйлагига эҳтиётсизлик туфайли кофе тўкиб юборгани учун суд ресторан мижозга етказилган маънавий зарар учун миллион доллар тўласин, деб қарор чиқариши ҳеч гап эмас. Албатта, мамлакатимиз қонунчилик тизими ўзига хос хусусиятларга эга. Шу сабабли ҳам маънавий зарарни қоплаш миқдорини белгилашда оқилоналик (мавжуд моддий турмуш шароитлари, яшаш даражаси) ва адолат (ҳуқуқбузарликка қўлланиладиган жавобгарлик чорасининг мутаносиблиги), инсоф мезонларини судлар унутмаслиги лозим. Энг асосийси, Олий Суд ва Олий Хўжалик суди ҳуқуқшунос олимлар билан биргаликда алоҳида ҳуқуқбузарликлар турлари бўйича етказиладиган маънавий зарарнинг намоён бўлиш хусусиятлари ва тавсия этиладиган маънавий зарарни қоплаш миқдорлари бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш зарур. Албатта, судлар ушбу тавсия даражасидан чиқишлари мумкин, бироқ бу ҳал қилув қарорларида асослаб берилиши шарт.

**Омон ОҚЮЛОВ,**
**профессор**

Muammo va echim

# ЖАВОБГАРЛИК АНИҚ БЎЛСИН!

***Мамлакатимизда иқтисодий муносабатларни либераллаштирувчи ҳамда тадбиркорлик субъектлари эркин фаолият юритишга қулай шароит туғдирувчи қонунчилик тизимини яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ тўловчилар ва давлат ўртасидаги муносабатларни аниқ белгилаш, айниқса, солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликка тортиш борасида айрим мулоҳазаларни баён этишни лозим топдик.***

Ҳозирги даврда солиқ қонунчилигида солиқ ҳуқуқбузарлиги алоҳида ҳуқуқбузарлик сифатида қонун даражасида ажратилмаган. Шунингдек, солиқ тўловчиларни молиявий жавобгарликка тортишнинг процессуал тартиби ҳам қонун даражасида белгиланмаган. Бунинг оқибатида амалиётда битта ҳаракат учун турли хил жавобгарликлар, яъни молиявий, маъмурий, айрим ҳолларда эса жиноий жавобгарлик келиб чиқмоқда. Натижада ушбу ҳаракатнинг айнан қандай ҳуқуқбузарлик турига кириши ва ҳуқуқбузарликнинг қандай белгилари мавжудлиги мавҳум бўлиб қолмоқда.

Энг ёмони, ушбу жараёнда жавобгарнинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланмайди. Чунки амалиётда молиявий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарор солиқ инспекцияси томонидан бевосита қабул қилинади ва у бўйича ҳеч қанақа баённома юритилмайди. Шунингдек, ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш ва молиявий жазо қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинишида ҳуқуқбузар ёки унинг қонуний вакили иштирок этмайди. Бошқача айтганда, ҳуқуқни қўлловчи идора шахснинг ҳаракатида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжудлигини, ушбу ҳаракатни содир этилишида шахснинг айбини исботламасдан туриб, амалдаги қонунчиликда кўрсатилган молиявий жавобгарлик чораларини қўллайди.

Тадбиркорликни қонуний қўллаб-қувватлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи идоралар тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлар ижросини қандай амалга ошираётгани доимий равишда ўрганиб келинмоқда. Ушбу ўрганишларда солиқ идоралари томонидан солиқ ҳуқуқбузарлиги белгилари мавжудлиги, шахснинг ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдорлиги исботламасдан, давлат ва жамият манфаатларига зиён етказилгани даражасини аниқламасдан туриб, тадбиркорлик субъектларини асоссиз равишда молиявий жавобгарликка тортиш ҳолатлари аниқланмоқда. Жумладан, Яккасарой тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан шу йилнинг 9 январ куни тумандаги "Ал Абдуқаҳҳор" масъулияти чекланган жамиятининг савдо дўконида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли қарори ижроси бўйича қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текшириш натижасида савдо дўконининг хазинасида 38 сўм ортиқча пул мавжудлиги аниқланган. Ушбу ҳолат бўйича **"назорат касса машинаси қўлламасдан савдо қилинган",** деган важ асосида савдо дўконига нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдорида, яъни 453500 сўм молиявий жарима қўлланилган. Бироқ далолатномада ишнинг ҳолатлари аниқ ёритилмаган, корхонада назорат касса машинасидан фойдаланмаслик ҳолати исботланмаган.

Тўғри, солиқ идораларига **"Давлат солиқ хизмати тўғрисида"**ги қонунга асосан солиқ ҳуқуқбузарлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва юридик шахсларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўллаш ваколати берилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли қарорига биноан назорат касса машиналарини қўлламасдан товарлар (хизматлар, ишлар) сотиш учун солиқ идоралари томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдорида молиявий жарима қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Баён этилган ҳолатда эса солиқ идоралари томонидан "назорат касса машинаси қўлламасдан савдо қилиш" ҳолати тўлиқ исботланмаган. Амалдаги қонунчилик солиқ идоралари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жазо қўлланиши ҳолатлари белгилаб қўйилган бўлса-да, лекин молиявий жазо чораларини қўллаш тартиби аниқ эмас. Бу эса аксарият ҳолларда солиқ идоралари томонидан ваколатларни суиистеъмол қилиш, тадбиркорлик субъектларини асоссиз равишда молиявий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу каби муаммоларни амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритириш йўли билан ҳал этиш мумкин. Бунинг учун солиқ ҳуқуқбузарлиги аломатлари, айбни исботлаш талаблари, ҳуқуқбузарни ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиши, жавобгарликка тортувчи идоранинг процессуал ҳаракатларни расмийлаштириш бўйича мажбуриятлари, қабул қилинадиган қарор устидан шикоят қилиш тартиби каби ҳолатлар қонун даражасида белгилаб қўйилиши лозим. Бу эса Солиқ кодексига ўзгартириш киритишни тақозо этади. Зеро, тадбиркорлик субъектлари учун молиявий жавобгарлик оғир жавобгарлик ҳисобланади. Чунки молиявий жавобгарликка тортиш оқибатида фаолият кўрсатиб турган тадбиркорлик субъектини банкротлик даражасига бориб қолиши ва тугатилиши ҳеч гап эмас. Шу боис жавобгарликка тортиш адолат доирасида амалга оширилиши зарур. Бунда жазолаш эмас, балки шундай ҳуқуқбузарликнинг бошқа қайтарилмаслиги муҳим аҳамиятга эга.

**Нодир ЖЎРАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

**Муаллиф ҳақида маълумот:**

***Нодир ЖЎРАЕВ — 2001 йил Тошкент Давлат юридик институтини тугатган. Айни кунда Адлия вазирлигида хизмат қилади. У иқтидорли ҳуқуқшунос ёшлардан бири. Адлия вазирлигида фаолият кўрсатаётган Солиққа оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳи аъзоси сифатида ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда.***





*Обод бўлаётган қадамжолар*

Dakki

# ТЎСҚИНЛИК ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

1999 йили зоминлик Жуман Алибеков оила аъзолари билан келишиб, 28 гектар ерни узоқ муддатга ижарага олиб, "Баҳодир" фермер хўжалиги ташкил этди. Астойдил меҳнат қилгани боис хўжалик ишлари юришиб кетди. Натижада уч йил мобайнида давлатга маҳсулот сотиш режаси тўлиқ бажарилди. Яхшигина даромад олишгани боис хўжалик аъзолари техника воситалари сотиб олишга қарор қилишди. Шундан сўнг хўжалик "Ўзагролизинг" компаниясининг Жиззах вилояти филиалидан "ТТЗ-80-100" русумли чопиқ тракторини 7 йил муддатда тўлаш шарти билан сотиб олди. Бироқ ўтган йили об-ҳавонинг ноқулай келиши оқибатида чигит қайта экилиб, шартнома режаси ора йўлда қолиб кетди. Бундан хуноб бўлиб юрган фермернинг қўлига туман ҳокимиятидагилар йил якунида Жиззах вилоят хўжалик судининг қарорини тутқазишиб, унга асосан фермер хўжалиги тугатилгани ва ерни давлатга топшириш лозимлигини айтишади. Табиийки, бу хабар фермерни роса таажжублантиради. Кейинчалик маълум бўлишича, Зомин тумани ҳокимияти, аниқроғи, туман ҳокими ўринбосари С.Қаршибоев вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритиб, фермер хўжалиги ихтиёрида 30 гектар ер борлиги, шунинг 28,5 гектарига пахта ва 3,07 гектар ер полиз экинлари эккани, бу билан хўжалик ижарага олинган ердан мақсадсиз фойдаланган, ернинг мелоратив ҳолатини бузган, пахта хомашёси топширмаган, деган важ асосида ижара шартномасини бекор қилишни ва фермердан ерни олиб қўйишни талаб этган экан. Энг қизиғи, ушбу даъво аризаси вилоят хўжалик судининг судьяси А.Қаҳҳоров томонидан 2002 йилнинг 4 сентябр куни фермер бехабар ҳолда кўриб чиқилган ва қаноатлантирилган. Салкам уч ойдан сўнг суднинг ушбу ҳал қилув қароридан хабардор бўлган фермер дарҳол апелляция шикояти ёзади. Шу йилнинг 18 феврал куни апелляция шикояти кўриб чиқилиб, суднинг қарори ўзгаришсиз қолдирилади. Ҳуқуқлари бузилган фермер суднинг нотўғри қароридан норози бўлиб, Олий хўжалик судига кассация тартибида шикоят ёзади. Бундан ташқари, вилоят прокуратурасига ҳам ҳуқуқлари бузилгани тўғрисида мурожаат этади.

Вилоят прокуратураси мазкур масалани ўрганиб чиқиб, суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида протест киритади.

***(Давоми тўртинчи бетда)***

Muammo, muhokama, mulohaza

# ОЛДИМИЗДАГИ ТАҲДИД

Айрим одамлар ўзининг ишлари бир четда қолиб, бировларнинг айбини ахтариб юради: Бир танишим бор, касби муҳандис. Ўзини матбуотнинг билимдони ҳисоблайди чоғи, қачон қараманг, оммавий ахборот воситаларини таҳлил қилгани қилган. Гўёки, ундан бошқа одам вақтли нашрларимиздаги ютуқ ва камчиликларни кўрмаётгандек. Яқинда уч-тўрт ҳамкасб тушлик қилиб ўтирган эдик. Тасодифан муҳандис танишимиз ҳам келиб қўшилди. Номига уч-тўрт оғиз салом-алик қилгач, одатдаги дийдиёсини бошлаб кетди:

— Менга қаранглар, сизлар ҳам хориж газеталаридан иш ўргансанглар бўлмайдими?..

— Хўш, уларнинг қай биридан нимани ўрганишимиз керак экан, — дея унинг сўзини бўлди сал жиззакироқ ҳамкасбимиз. — Иложи бўлса, аниқроқ "кўрсатма" бера оласизми?

— ...

Маълум бўлдики, муҳандиснинг матбуот хусусидаги билимдонлиги ўзига яраша бўлиб, ҳар хил давраларда эшитган гапларини такрорлаб юраркан.

Ҳамкасбимиз ҳам тутган жойидан кесадиганлар тоифасидан. Унинг довдирашларига эътибор ҳам бермасдан саволга тутишда давом этди:

— Балки "СПИД-ИНФО"-дан беҳаёликни ўрганишимиз керакдир? Ёхуд айрим хорижий нашрларда чоп этилаётган бешарм суратларни томоша қилгингиз келиб қолгандир? Олди-қочди, яхлит тўқимадан иборат, киши ўқиса, кўнгли айнийдиган, аёл ва эркак ўртасидаги муносабатлар ҳам очиқ-ошкор эътироф этилаётган мақолаларни ўзимизда чоп этиладиган айрим хусусий газеталардан ҳам топиб ўқишингиз мумкин. Хўш, биродар, сизга яна нима керак? Кўнглингиз нимани тусаяпти?..

Икки танишнинг ўзаро суҳбатидан бошланган баҳсимиз анча жиддийлашиб кетди. Кимдир у деди, кимдир бу — хуллас, ҳамма ўз билганича гапирди. Лекин суҳбат сўнггида барчамиз бир хулосага келдик: биз шарқликмиз. Шарқона ахлоқ-одоб қоидалари бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Шундай экан, беҳаёликни, бешармликни, фаҳшни тарғиб қилувчи ҳар қандай восита биз учун бегона бўлиши керак ва шарт!

Давра тарқалиб, ишхонага қайтар эканмиз, ҳамкасбимиздан қизишганининг сабабини сўрадим.

— Сиз ҳеч бозорларимизда хорижий газета-журналлар савдоси билан шуғулланаётган «тадбиркорлар» билан гаплашиб, улар сотаётган газета-журналларни варақлаб кўрганмисиз? — деб сўради.

— Йўқ, — деб елка қисдим. Дарҳақиқат, яқин атрофда бундай бозорга бормаган эканман.

— Унда аввал бир бозор айланинг, кейин бир гурунглашармиз, — дея хайрлашишга қўл чўзди ҳамкасб.

Тушликдаги гурунг сабаб кечки пайт ишдан эртароқ чиқдим. Тўғри Олой бозорининг ҳамсуҳбатларим айтган растасига йўл олдим. Кўринишидан кўз қамашадиган олма-ноклар сотилаётган пештахталарнинг орқа тамонидаги стол устида ҳар хил газета тахламлари турибди. Тахламлар устида "Аргументи и факти", "Труд" ва шунга ўхшаш бир қатор номлари таниш-нотаниш газета-журналлар териб қўйилган. Бир-иккитасини варақлаб кўрган бўлдим. Ҳеч ёмон жойи йўқ. Мана, суҳбатимизга туртки бўлган "СПИД-ИНФО" ҳам бор экан. Унинг ҳам у ёқ-бу ёғини ағдарган бўлдим. Унчалик очиқ-сочиқ, беҳаё суратларга кўзим тушмади. Эндигина ичимда тушликда ҳамкасблар "са-а-ал оширворишган эканлар, шекилли", деб ўйлай бошлаганимда, фикримни сотувчи қизнинг саволи бузди:

— Ака, сизга қайси газета керак? Ўзим топиб бераман.

Дабдурустдан "мен мана шунақа газета қидираяпман, деб қандай айтаман, яхшиси, бошқа бирортасидан сўрарман", деган хаёлда бурилиб кетмоқчи эдим, яна унинг саволи жойимдан жилишимга йўл бермади:

— Сизга қайси нашр керак ўзи? Қидириб овора бўлманг. Ҳаммаси ўзимизда топилади.

У шу сўзларни айтар экан тахламлар орасидан бир неча газета ва журналларни суғуриб олиб, стол устига ташлади.

Бир журнални қўлимга олдим. Шу соҳа нонини емайманми, қоғозининг силлиқлиги-ю, сифатининг зўрлиги эътиборимни тортди. Номи ҳам ғаройиб экан. "Вот так"! Қани бунинг нимаси "так" экан, деган фикрда варақладим. Воҳ... яхшиси кўрмасам бўлар экан. Суф-эй, шармандагарчилик ҳам шунчалик бўладими? У ёқ-бу ёғимга қарасам, ҳеч ким менга эътибор бераётгани йўқ. Сотувчи қиз ҳам сақичини чапиллатиб, ёнидаги дугонасига гап сотаяпти. Секи-и-ин иккинчи журнал номига кўз ташладим. Бунисининг номи биринчисиникидан ҳам ажабтовур экан: "Все жизнь в теле". Номиданоқ кўнглим бир нарсани сезгандек бўлди-ю, барибир қизиқиш устунлик қилиб яна қўл чўздим. Буниси... Инсоф юзасидан айтганда, "Вот так"чилар са-а-ал инсофлироқ экан, шекилли, деган ўйга бордим. Учинчиси... Уни қўлга олишимга ҳам ҳожат қолмади. Чунки муқованинг юзидаги аёл худди онадан ҳозир туғилгандек қиёфада эди... Энди ўзимни мажбурлаб, кейинги газета-журналларнинг номларига бир-бир қараб чиқа бошладим: "Вне закона", "Плейбой", "Декамерон" ва ҳакозо-ҳакозо...

Уларни кўздан кечирар эканман, хаёлимни бир жойга жамлай олмасдим. Журналларнинг муқовалари, газеталарнинг биринчи саҳифалариданоқ улардаги беҳаёлик, бешармлик, фаҳш, қабоҳат ва разолат "мана-ман", деб кўзга ташланиб турарди.

***(Давоми тўртинчи бетда)***

Jahon tajribasi

# ДАВЛАТ АЙБЛОВЧИСИ

## АҚШда у қандай ваколатларга эга?

Шуни айтиш керакки, АҚШда давлат айбловчиси вазифаси атторней хизматига юклатилган. Жиноят ишлари бўйича айблов-давлат атторней хизматининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Давлат атторней хизмати ижро ҳокимияти идораси (федерал, штат, маҳаллий) бўлиб, у ҳукуматга ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам кўрсатади, унинг манфаатларини судда ҳимоя қилади ва қонунлар ижросини таъминлайди. Бошқача айтганда, атторней хизмати айблов хизмати сифатида фаолият кўрсатади.

Шу маънода АҚШда атторней хизмати давлат ҳокимиятининг ўзига хос институтидир. Унинг жиноий таъқиб соҳасидаги ваколатлари бошқа давлатлардаги прокуратура идораларининг ваколатларига ўхшайди. Шундан келиб чиқиб, бу институтни одатда «прокуратура», атторнейларини эса «прокурорлар» деб аташади. АҚШ бош атторнейи федерал айблов идораларининг бошлиғи ҳисобланади. У кўпинча "бош прокурор" эмас, балки "адлия вазири" деб номланади. Яна шуни айтиш керакки, АҚШ бош атторней зиммасига шундай вазифалар юклатилганки, уларни бошқа давлатларда прокуратура, ички ишлар вазирлиги, контрразведка, жиноий қидирув идоралари ва қамоқхоналар маъмурияти бажаради.

Бундан ташқари, АҚШда атторней хизматининг 3 мустақил бўғини мавжуд: федерал, штат ва маҳаллий. Бу бўғинлар ўзига хос бўлган хусусият ва ваколатларга эга.

Ҳар бир штат ўзининг тегишли қонунчилиги асосида штатда атторней хизматини ташкил этиш ва унинг ваколатини белгилаш ҳуқуқига эга бўлиб, федерал хизмат эса АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинадиган қонунлар асосида фаолият юритади. АҚШ бош атторнейига ҳам, унга бўйсунган идораларга ҳам штатларда атторней хизмати устидан раҳбарлик қилиш ваколати берилмаган. Штат бош атторнейи ўз навбатида, маҳаллий ҳудудий атторнейлар фаолиятини назорат қилмайди.

Кўпгина штатларда атторней сайланувчи мансабдор шахс бўлиб, унинг ваколатлари қонунда белгиланади. Бош атторней губернаторга, штатнинг мансабдор шахсларига, қонун чиқарувчи мажлис аъзоларига ҳуқуқий жиҳатдан маслаҳатлар беради; судда вакиллик қилади; штат қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан жиноят ишлари қўзғатади.

Қоидага кўра, штатларнинг маҳаллий ҳудудларида атторнейлар "Округ атторнейлари" бўлиб ҳисобланса ҳам, улар турлича номланади. Штатларда маҳаллий атторнейларнинг жиноий таъқиб соҳасидаги ваколатлари бир хил эмас, яъни улар оғир жиноятларни таъқиб қилишда чекланган бўлиши мумкин. Умуман олганда, округ атторнейларининг вазифалари штат ва федерал миқёсидаги атторнейларнинг функцияларига ўхшаб кетади.

Шунингдек, атторней-айбловчи жиноят процессининг барча босқичларида ўзига хос ўрин тутади.

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, АҚШ жиноят процессида жиноят ишини қўзғатиш, процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш биргина мансабдор шахс томонидан эмас, балки бир-неча мансабдор шахсларнинг ҳаракатларидан иборат бўлади. Жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарор айбловчи томонидан атторней хизматининг терговчилари, полиция, бошқа тергов идоралари томонидан ўтказилган тергов материалларига асосланган ҳолда қабул қилинади. Тергов материалларини ўрганиш жараёнида айбловчи полиция томонидан тўпланган далилларга уларнинг қонуний йўл билан олинганлиги нуқтаи назаридан баҳо беради. Чунки у иш материалларига ноқонуний йўл билан олинган далилларни, шунингдек, қонуний йўл билан олинганлиги шубҳа туғдирувчи далилларни қўшишни рад қилиш ҳуқуқига эга. Далилларни баҳолаш жараёнида айбловчи ишнинг моҳиятига кўра, полиция фаолияти устидан назорат олиб боради. Айбланувчининг иш материалларига полиция томонидан тақдим қилинган далилларни қўшиб қўйишни рад этиши уларнинг ишини йўққа чиқаради. Бошқа томондан эса, у полициянинг иш фаолиятини янада шакллантиришга ёрдам беради.

Жиноят иши қўзғатилгач, айбланувчини судга бериш масаласи ҳал қилинади. Бунда расмий айблов ҳужжати тузилади, айб эълон қилинади ва иш судга юборилади. Судга бериш вазифасини ўта жиддий ишлар бўйича Катта ҳайъат ва кўпгина жиноят ишлари бўйича магистрат амалга оширади.

Магистрат — кам аҳамиятли жиноят ишларини якка ўзи кўриш, ҳал қилиш, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун асосларинг етарли эканлигини аниқлаш, бир қатор тергов ҳаракатларини амалга ошириш ҳуқуқларига эга бўлган судьядир. У айбланувчини судга бериш ҳақидаги қарорини ишни дастлабки кўришда қабул қилади. Штат қонунларига мувофиқ, ишни дастлабки кўриш айбланувчи ва унинг ҳимоячиси иштирокида амалга оширилади. Магистрат иштирокчиларнинг кўрсатмаларини эшитади, бошқа далилларни ўрганади, сўнг ишни судга ўтказиш ҳақида қарор чиқаради. Магистрат ишни судга ўтказиш босқичида асослар етарли эмаслиги туфайли жиноят ишини тугатиш ҳуқуқига ҳам эга. Бироқ амалда бундай ҳоллар кам учрайди. Атторней хизмати Катта ҳайъат томонидан судга бериш босқичи амалга оширилаётган пайтда ҳам уларнинг фаолияти устидан назорат олиб боради.

Катта ҳайъат ёки магистрат томонидан айбланувчини судга бериш ҳақида қарор чиқарилгач, айблов айбловчи томонидан расмийлаштирилади, тасдиқланади ва у расмий равишда айбланувчига эълон қилинади.

АҚШда айблов процессуал ҳолатининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, айблов ҳокимияти атторней ихтиёрига мувофиқ амалга оширилади. Полиция тергови материаллари келиб тушиб, суд бошлангунга қадар амалга ошириладиган барча процессуал ҳаракатлар айбловчига боғлиқ бўлади. Жиноий таъқибнинг қуйидаги асосий масалалари унинг ихтиёрига кўра ҳал қилинади: жиноят ишини қўзғатиш, айбловдан воз кечиш, жиноятни тасниф қилиш.

Айбловчининг етарли асослар бўла туриб, қўзғатилган жиноий таъқибдан воз кечишга доир ҳаракати устидан амалда шикоят қилинмайди. Жиноятни малакалаш ва айблов ҳажмини аниқлашда айбловчи катта ваколатларга эга. Федерал суд АҚШ атторнейининг қарорлари суд тартибида қайтадан кўриб чиқилмаслиги, суднинг уларнинг ишига аралашишига бўлган ҳуқуқининг йўқлиги ҳақида қарор чиқарган. Унга мувофиқ, айбловчи жиноий таъқибни қўзғатиши лозим, уни қўзғатиш, қайси айблов эълон қилиниши кераклиги каби масалаларни ўз ихтиёрига кўра ҳал қилади.

Шу билан бирга, қонунда кўзда тутилган ва суд амалиёти томонидан ишлаб чиқилган айбловчининг фаолияти устидан ташқи назорат қилувчи усуллар ҳам мавжуд. Бу ҳуқуқий чоралар айбловчини тўғридан-тўғри процессуал ҳаракатларни бажаришга мажбурлаши, ишни юритишдан ва лавозимдан четлаштириши, жиноий жавобгарликка тортиш каби ҳаракатларда намоён бўлади. Бироқ бу чоралар жуда кам ҳолларда қўлланилади.

**Дилнавоз БЕКМАТОВА,**
**тадқиқотчи**

